



Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

14
(759)-son

6-aprel

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Қаршида янги офис

«Unitel» МЧЖ («Билайн» савдо белгиси)нинг Қарши шаҳрида янги офиси очилди.

— Ўзбекистонда ягона филиаллар тармоғи яратишни фаол ривожлантирар эканмиз, биз навбатдаги офисни Қарши шаҳрида ишга туширдик, — деди «Unitel» МЧЖ бош директори Евгений Рубан. — Бу билан компаниямиз мижозларга янада яқинлашди ва эндиликда ушбу ҳудуддаги абонентларимиз биз тақдим этаётган барча хизматлардан бемалол фойдалана оладилар.

«Билайн»нинг Қарши шаҳридаги фахрий абоненти сифатида баркамол авлодни вояга етказишга муносиб хисса қўшиб келаятган Саид Саъдуллаев танланди.

Шунингдек, янги офис очилиши муносабати билан «Unitel» компанияси Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига «Тез ёрдам» машинасини совға қилди.

Алоқа оламида:

Энг сўнгги янгилик!

Йирик АКТ компаниялари (Microsoft, Google, Dell, Hewlett-Packard, Intel ва Philips) Интернетга телевизион каналлар орқали юқори тезликда уланишга доир янги лойиҳани амалга оширишга тайёрланмоқда. Бунинг учун юқоридаги компаниялар алоқа соҳаси бўйича Федерал комиссияни интернет-трафик белгиланган диапазондан чиқиб бошқа каналларга халақит бермаслигига ишонтириллари лозим. Комиссияга Microsoft компаниясида тайёрланган ТВ-интернетга уланиш қурилмасининг прототиби ҳам тақдим этилади.

Ушбу сонда:

КЕЛИШУВ ВА ИЖРО



2-БЕТ ➔

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА



3-БЕТ ➔

ИВМ УПРОСТИТ РАБОТУ В ИНТЕРНЕТЕ



6-БЕТ ➔

ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ ПОЧТАСИ



Фуқаролар ва тадбиркорларни бирлаштириш йўлида

11-БЕТ ➔

АМИР ТЕМУР ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ




16-БЕТ ➔

5-БЕТ ➔

Ахборот-коммуникация технологиялари:

Аёл ва Интернет



Аёллари эъзозланган юрт обод бўлур, деган гап бор. Дарҳақиқат, аёли бор оила файзли ва тароватли бўлганидек, юрт ҳам, жамият ҳам аёл билан гўзалдир. Шу жиҳатдан аёллар ҳаминша эъзозда ва эътибордадирлар. Ҳукуратимиз томонидан хотин-қизлар манфаатларига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Ўз ўрнида, аёлларимиз ҳам жамиятнинг турли соҳаларида, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида ўзларининг билим ва малакаларини кенг намоён этмоқдалар.



ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир

SarkorTelecom

— юқори тезликдаги уй Интернетни

JUMADAN — JUMAGACHA

● HAY'AT YIG'ILISHIDA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 март куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, таълим ва инсон ресурсларини ривожлантириш вазири Ким Шин Илни қабул қилди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида гуманитар соҳадаги кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Ўтган ҳафтада Президентимиз Ислам Каримов Оқсаройда ФИФА президенти Йозеф Блаттерни қабул қилди.**

Йозеф Блаттер 2004 йили ҳам Ўзбекистонга келган эди. Бу сафар унга Осиё футбол конфедерацияси президенти Муҳаммад Хаммам ал-Абдулла ҳамроҳлик қилди. Уларнинг юртимизга ташрифи асносида "Гол-1" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон футбол федерациясининг янги биноси, сунъий газонли стадион фойдаланишга топширилди.

Ислам Каримов Ўзбекистонда футбол дастурларини ривожлантириш ва кўллаб-қувватлашга қўшган улкан ҳиссаси, ёш соғлом авлодни шакллантиришдаги иштироки ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги самарали фаолияти учун Йозеф Блаттерга "Дўстлик" орденини, Муҳаммад Хаммам ал-Абдуллага "Шуҳрат" медалини топширди.

Меҳмонлар юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорчилик билдирди.

✓ **Матбуотда "Марказий Осиёда ядро қуролдан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябр) ратификация қилиш ҳақида" ва "Марказий Осиё ҳамкорлиги" Ташкилотининг Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июн) ратификация қилиш ҳақида"ни Ўзбекистон Республикасининг Қонуллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартириш кiritиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.**

✓ **Пойтахтимизда Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари, мамлакатимизда фаолият юритаётган қўшма корхоналар ҳамда Австрия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Австрия Иқтисодиёт палатаси ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбир Ўзбекистон-Австрия бизнес-форумининг мантқиқий давоми, икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида бевосита мулоқотни кенгайтириш учун қулай имконият бўлди. Бизнес-форумда кенг қамровли маълумотлар алмашилган, ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли соҳалари, устувор йўналишлари белгиланган бўлса, кооперацион биржада бевосита шериклик алоқаларининг муайян масалалари муҳокама қилинди.

✓ **Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 3 апрел куни Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Болгария Республикаси Минтақавий тарақиёт ва ободончилик вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилди, истиқболли соҳалар белгиланган олинди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган "Халқ ижодиёти" поезди Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйлаб ижодий сафарда бўлди.**

Ўзининг 2000 йиллик тўйига қизгин ҳозирлик кўраётган Марғилон шаҳрида кечган учрашувлар кўтаринки рўнда ўтди. Тадбирда ижро этилган куй-қўшиқлар, халқ лапар ва яллалари, дилрабо рақслар барчага хуш кайфият бағишлади. "Халқ ижодиёти" поезди гуруҳи аъзолари юбилей муносабати билан Марғилонда амалга оширилган кенг қўламадаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Фарғона, Олтиариқ, Тошқоқ, Ёзёвон туманларида бўлиб ўтган учрашувлар ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида навбатдаги Ҳай'ат мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис селектор орқали жойларга узатилди. Йиғилишни Агентлик Бош директори А.АРИПОВ бошқарди.

Келишув ва ижро

Республика алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов "2006 йилда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2006-2008 йиллар учун тузилган Тармоқ келишувининг бажарилиши тўғрисида" маъруза қилди.

Маърузачининг таъкидлашича, Агентлик билан ҳамкорликда Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган муайян ишларни амалга оширмоқда. 2006 йил 1 январ ҳолатига кўра, соҳада битта Тармоқ келишуви, учта Тариф келишуви ва 184та Жамоа шартномаси тузилган. Келишув ва Жамоа шартномаларида ходимлар учун ўзаро меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган деярли барча масалалар бўйича ижтимоий имтиёз ва кафолатлар белгиланган.

Ўтган йиллардаги каби тасдиқланган ҳадвалга мувофиқ, Жамоа шартномаларининг 2006 йилги бажарилиш натижалари филиаллар, корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоаларининг мажлиси ва конференцияларида, Тариф келишувларининг бажарилиш ҳужжатлари асосида «Ўзбектелеком» ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниялари, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Директорлар кенгаши йиғилиши ва алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши Раёсатининг қўшма йиғилишларида кўриб чиқилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги иш ҳақи бўйича қарздорликни тугатиш мақсадида мажмуий чоралар амалга оширилмоқда. Хусусан, иш ҳақини ўз вақтида тўлашнинг ҳафталик мониторинги, иш берувчи ва хизмат кўрсатувчи банкларга иш ҳақини ўз вақтида тўлаш зарурлиги тўғрисидаги расмий талаблар, Келишув ва Жамоа шартномаларига киритилган иш ҳақи тўловини кечиктирилганлиги учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги мажбурият ва бошқа чора-тадбирлар тўғрисида иш ҳақи тўловининг кечиктирилиши сезиларли камайди.

Келишувлар ва Жамоа шартномаларининг 2006 йилдаги бажарилиш натижаларининг таҳлилига кўра, ўртача ойлик иш ҳақи соҳа бўйича 2005 йилга нисбатан 1,24 баробар ошиб, 97,1 минг сўмни ташкил этди. Жумладан, «Ўзбектелеком» АҚда 112,3 минг сўм ёки 2005 йилга нисбатан 1,22 баробарга, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖда 66,2 минг сўм ёки 2005 йилга нисбатан 1,24, «Матбуот тарқатувчи» АҚда 59,6 минг сўм ёки 2005 йилга нисбатан 1,21 ва давлат корхоналарида 144,9 минг

сўм ёки 2005 йилга нисбатан 1,40 баробарга орди.

Ҳисобот даври давомида алоқачиларнинг фарзандларини оромгоҳларда соғломлаштириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилди. Йўлланмалар ходимларга асосан бепул берилди.

2006 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан Келишувлар ва Жамоа шартномаларида асосий эътибор кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ногиронларга, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига моддий ёрдам беришга қаратилди. Жумладан, 1136та кам таъминланган оилага ўртача 31,6 минг сўмдан, 1748 нафар бир ойдан ортқ сурункали касал бўлганларга ўртача 49,4 минг сўмдан, 4579 нафар ишламаётган пенсионерга ўртача 26,4 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бир қаторда, иш берувчилар ва қасаба уюшмаси қўмиталари томонидан айрим камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, "Матбуот тарқатувчи" АҚ таркибига кирувчи 5та корхона (Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва Навоий)да ўртача иш ҳақи Тариф келишувларида белгиланган даражага етказилмади. "Ўзбектелеком" АҚнинг "Наманган Телеком", "Жиззах Телеком", "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Навоий, Қашқадарё филиалларида ва "Матбуот тарқатувчи" АҚнинг Жиззах, Наманган, Сурхондарё вилоятларидаги корхоналарида штат ҳадвали бўйича ўртача иш ҳақи паст даражада ташкил қилди. Баъзи филиалларда, корхоналарда иш ҳақи тўлашни кечиктириш ва моддий ёрдамни белгиланган кам миқдорда тўлаш ҳоллари юз берган.

Ушбу масала муҳокамасида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, "Ўзбектелеком" АҚ бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Нурматов, "Матбуот тарқатувчи" АҚ бош директори Б.Кубеев, Радиоалоқа, радиозиёштириш ва телевидение маркази бош директори М.Атамуродовлар сўзга чиқди.

Шундан сўнг мазкур масала юзасидан Агентлик Ҳай'ати ва Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши Раёсатининг қўшма қарори қабул қилинди.

Йиғилиш қур тартибидagi иккинчи масала — "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот ишларининг бажарилиши тўғрисида" Агентликнинг лицензиялаш ва стандартлаштириш бўлими бошлиғи А.Гатаулина ахборот берди.

Агентлик бўйруғи билан тасдиқланган 2006 йилда алоқа ва ахборот-

лаштириш соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш ва илмий-тадқиқот ва маркетинг текширувлари ишларини ўтказиш режасига асосан 71та норматив ҳужжат ва 20та илмий-тадқиқот ишларининг ишлаб чиқилиши кўзда тутилган эди.

Ўтган йили 68та ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши яқунланган ва Агентликнинг буйруғи билан бажариш мuddати узайтирилган, 1та ҳужжат режадан олиб ташланган, 2та ҳужжат бўйича ишлар яқунланмоқда (ҳаммаси бўлиб 71та ҳужжат).

Илмий-тадқиқот ишлари бўйича 16та ҳисоботлар яқунланган ва тасдиқланган, 1та илмий-тадқиқот иши режадан олинган, 3таси бўйича яқуний ҳисоботлар тақдим этилган (ҳаммаси бўлиб 20та).

Бу борада рақобат муҳити шаклланиши, бюрократчи ва ишлаб чиқувчилар сони ўтган йилларга нисбатан ошиб, ўзаро ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар анча фаллашди. Норматив ҳужжат ишлаб чиқиши ва илмий-тадқиқот ишлари бажарилишини мuddатда амалга ошириш бўйича чоралар кўриломоқда.

Шу билан биргаликда, ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида уларни келишувдан ўтказиш ва тасдиқлаш, шунингдек, ҳужжатларни бошқа идораларда келишувдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш мuddатларига риоя қилмаслик, корхоналар ва ташкилотлар томонидан тақрирларнинг ўз вақтида берилмаслиги ва келишувдан ўтказилмаслиги,

Келишув ва Жамоа шартномаларининг бажарилиши устидан мунтазам назорат ўрнатилиши натижасида қабул қилинган бандлар 99,6 фоизга бажарилди.

охирги таҳрирдаги ҳужжатларни тақдим этиш ва сифатли таржима қилиш мuddатларига риоя қилмаслик муаммолари учрамоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш ҳамда уларни ўз вақтида жорий қилиш, вужудга келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳларнинг фаолияти етарли даражада эмас.

Мазкур масала муҳокамасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Ҳўжаев, Агентликнинг иқтисодий истиқболли белгиланган, таҳлил ва тарифлар бўлими бошлиғи В.Тарасенко, Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш.Обидхўжаев, Тошкент ахборот технологиялари университети проректори Х.Ориповлар ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашишди.

Агентлик Ҳай'ати ушбу масала юзасидан ҳам тегишли қарор қабул қилди.

BIR VILOYATDAN IKKI XABAR

Зарур қўлланма

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида ТАТУ ректори, профессор С.Қосимовнинг «Ахборот технологиялари» номли ўқув қўлланмасининг тақдироти бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимида ТАТУ Самарқанд филиали директори О.Мелиев ушбу китобнинг 50 донаси университет ректорати томонидан филиал ахборот-ресурс маркази фондида тўхфа қилинганлиги ва бугунги кунда улардан устоз ва талабалар ўқув жараёнида кенг фойдаланаётганлигини қайд этди. Компютер технологиялари бўйича ўзбек тилидаги адабиётлар танқис бўлиб турган бир пайтда бу китоб талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда илмий ходимлар учун фойдали қўлланма бўлиб қолишини таъкидлади.

Филиалнинг "Информатика ва ахборот технологиялари" кафедраси муdiri, доцент А.Қаршиев йиғилганларни китобнинг мазмун ва моҳияти билан таништирди.

— Қўлланмада, — дея таъкидлади маърузачи, — замонавий ахборот технологияларининг алоқа ва телекоммуникация тизимларида қўлланилишига асосий эътибор қаратилганлиги янги ўқув дастури ва илгор педагогик технологиялар асосида ўқитилаётган ҳозирги замон талабалари учун аини мўддаосидир. Китобнинг яна бир жиҳати — унинг бир-бири билан мантқиқий боғланган модуллардан тuzилганлиги бўлиб, информатика ва ахборот технологиялари йўналишида ўқитиладиган асосий адабиётлардан бири бўлиб хизмат қила олади.

Тақдимотда филиалнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳам ушбу китоб тўғрисида фикр билдирдилар.



Муаллиф ҳақида

Абдугофур ХОТАМОВ — 2007 йилдан "Xabar" газетасининг Самарқанд вилоятидаги мўхбири сифатида фаолият кўрсата бошлади. У билан 8-366-234-06-71 рақамли телефон орқали боғлангангиз мумкин.

Наврўз байрамида халқ ўйинлари ўтказилиб, куй ва қўшиқлар тараннум этилиши, кўк сомса, чучвара ва сумалак тайёрланиб, дастурхонларга тортилишини ҳамма яхши билади.

Халиса



Аммо, шодиёна кунлари, Самарқандда яна бир таом тайёрланадими, бу таомни халиса дейдилар. Уни тайёрлаш жараёни ҳам худди сумалак каби салкам бир кеча-кундуз давом этади.

Яқинда "Ўзи-Самарқанд" филиалининг 35-АТС худудида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Наврўзга бағишланган тадбир ўтказилди. Унга алоқа соҳасида ишлаб, бугунги кунда нафақада бўлган меҳнат фахрийлари, ногиронлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар тақлиф қилинди. Байрам дастурхонига баҳорий ноз-неъматлар қатори халиса ҳам тортилди. Самарқандлик хушовоз хонанда Зафар хожи Турсунов ижросида янграган мумтоз қўшиқлар, дилтортар тароналар барчани хушнуд этди.

Тадбирга келган кексалар дуога қўл очиб, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, дея эзгу ният қилишиб, кўрсатилган эҳтиром учун байрам ташкилотчиларига ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги арафасида ўтказилган тадбир барчада яхши таассурот қолдирди.

Абдугофур ХОТАМОВ

SOHAMIZ RESPUBLIKA MATBUOTIDA

O'ZBEKISTON OVOZI

2007 йил, 31 март, 40-сон

Газетанинг ушбу сонидида "Иқтисодиёт ва ислохот" рукинда "Ишингиз бароридан келса мижоз ҳам мамнун" номли мақола чоп этилган.

Мақолада "Ўзбектелеком" АК "Самарқанд Телеком" филиалида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар ҳақида сўз юритилади.



2007 йил, 30 март, 61-сон,
2007 йил, 3 апрел, 63-сон

Мақолада "Toshkent shahar telefon tarmog'ini": Новые решения и оптимизация телекоммуникационной инфраструктуры" номли мақола босилган.

Мақолада пойтахт телефон тармоғида ҳозиргача амалга оширилган ишлар, маркетинг изланишлари натижасида йўлга қўйилаётган янги хизматлар тўғрисида батафсил ҳикоя қилинади.

Ушбу нашрда, шунингдек, "Почта Ўзбекистана: улучшается качество услуг" номли суҳбат ҳам чоп этилган. Унда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори ўринбосари Х.Тожибоева мақор қорхонада бажарилган ишлар ва мижозларга тақдим қилинаётган янги хизмат турлари юзасидан ЎзА мўхбири саволларига жавоб берган.

Президентимизнинг "Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳақида"ги қарори ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, янги педагогик ва инновацион технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш мақсадида ташкил этилган Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида аини дамда 148 нафар талаба ахборот технологиялари мутахассислиги бўйича таълим олмақда.

Бу орда талабаларнинг билим олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Ўқув машғулотлари янги ахборот технологиялари билан жиҳозланган аудиторияларда олиб борилмоқда.

Филиалда ахборот технологиялари факултети, «Ахборот технологиялари», «Табий, гуманитар ва ижтимоий фанлар» кафедралари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ўқув-услубий бўлим, ахборот технологиялари, мониторинг ҳамда маънавият ва тарбиявий ишлар марказлари, кутубхона, бухгалтерия, девонхона, кадрлар ва ички назорат бўлимлари мавжуд.

— Жорий ўқув йилида Интернет тармоғи билан боғлаштириш, айниқса, масофавий ўқитиш услубларини таълим

Келажақда Ўзбекистон юсак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қўйил қилиши лозим.

И. Каримов

TATU FILIALLARIDA

Чўққилар забот этилажак

жараёнига кенг татбиқ этиш учун алоҳида имкониятлар яратдик, — дейди филиал директори Ниетбой Утелиев. — Филиалимиздаги мавжуд барча компютерлар университет корпоратив тармоғи ва Интернетга уланган. Талабаларимизга Интернетдан пухта ва моҳирлик билан фойдаланиш усулларини ўргатиш учун махсус кўшимча курслар ташкил қилинган. Шунингдек, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида миллий кадрларимизни ифодалайдиган сайтларни ва талабалар учун махсус web-порталларни яратиш устида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, ривожланган мамлакатларнинг илмий марказлари ва ўқув муассасалари билан ахборот технологиялари соҳаси бўйича профессор-ўқитувчилар ва талабалар орасида ўзаро тажриба алмашиш

ни самарали йўлга қўйганмиз. Жумладан, ўтган йили мултимедиа технологиялари ва Linux амалиёт тизимидан самарали фойдаланиш бўйича Жанубий Корея профессорлари иштирокида ўтказилган семинарда беш нафар профессор-ўқитувчимиз иштирок этди. Бир ўқитувчимиз эса KOICA дастури бўйича Сеул шаҳрида бўлиб ўтган «Фан ва техника сиёсати» номли ўқув курсида тажриба ошириб қайтди.

Филиалда маънавий-маърифий йўналиш борасида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Республикаимизнинг сиёсий ва маданий ҳаётидаги муҳим саналарни, Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Ат-Термизий, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Абу Райхон Беруний, Бердақ, Ажиниёз ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз таваллуд кунларини ни-

шонлаш ва уларга талабаларни жалб этиш орқали тарбиявий ишларнинг моҳиятини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Шу билан бирга, ёшлар орасида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандликка қарши кураш борасида ҳам қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу борада Ички ишлар, ОИТСга қарши кураш ва унинг олдини олиш маркази ва бошқа махсус муассасалар ходимлари томонидан биргаликда махсус таълим-тарбиявий ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, сиёсий партиялар, «Нуроний», «Истеъдод», «Маҳалла» хайрия жамоғармалари билан ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

ТАТУ Нукус филиали фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, бу даргоҳда иқтидор-

ли талабалар анчагина эканлигига гувоҳ бўлдик. Масалан, филиал муҳандис-дастурчиси Р.Жуманазаров «Келажақ овози» танловининг ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича ўтказилган мусобақанинг республика босқичида 1-ўринни қўлга киритганини, 2-босқич талабаси Д.Калхорозов ўтган йили спортнинг муайтай тури бўйича Ўзбекистон чемпиони, 4-босқич талабаси Маҳида Жаксимованинг эса Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамиятининг стипендияси совриндори бўлганлигини эшитиб қувондик.

Дарҳақиқат, университетда таълим олаётган талабаларнинг замон талабалари даражасида фанларни назарий ва амалий жиҳатдан чуқур эгаллашлари натижасида ахборот-коммуникация технологияларини ишлатиш маданияти юқори савияга ошади ва Ўзбекистонда кенг тармоқланган замонавий телекоммуникация ускуналаридан фойдаланишнинг ҳам техникавий, ҳам иқтисодий самардорлиги таъминланади. Бу эса миллатимиз келажаги бўлган ёшлар ахборот-технологиялари соҳасида ҳам юқори чўққиларни забот этади, деганидир.

Икромбек ХОЛМУРОДОВ
Коракалпоғистон Республикаси

XALQARO HAYOT

ЁШНИ АНИҚЛАЙДИГАН
МАХСУС ҚУРИЛМА

Японияда 2008 йилнинг охиригача сигарета сотадиган аксарият автоматларга тамаки маҳсулотлари сотиб олувчининг ёшани аниқлайдиган махсус қурилма ўрнатилди.

Маълумотларга кўра, кунчиқар мамлакатда яшовчи вояга етмаган йигитларнинг 42 фоизи, қизларнинг эса 27 фоизи сигарета чекиши аниқланган. Улар тамаки маҳсулотларини айнан деярли ҳар қадамда ўрнатилган автоматлардан харид қилишади. Ушбу муаммони келгуси йилда сигарета сотувчи 600 минг автоматга харидор ёшани аниқлайдиган қурилма ўрнатиш орқали ҳал этиш кутуляпти. Қурилма ўрнатилгандан сўнг чекувчилар ўз ёшлари кўрсатилган махсус Taspo смарт-карталари ёрдамидагина сигарета сотиб олишлари мумкин бўлади. Мазкур карталарда амал қилиш мuddати ҳақида маълумот, фойдаланувчининг исми ва сурати жойлаштирилади. Шахсий маълумотларни текшириш жараёнида смарт-картадаги қайдлар NTT Data (Nippon Telegraph & Telephone) компанияси раҳбарлигида ташкил этилган гуруҳ маълумотлар базасидаги маълумотлар билан таққосланади.

Reuters хабарига кўра, ушбу қурилмаларни ўрнатиш учун 90 миллиард иен (763 миллион доллар атрофида) маблағ сарфланади. Бу маблағ тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва сигарета сотувчи автоматлар тайёрловчи компаниялар ҳисобидан қопланади.

АРАБЛАРНИНГ
ҚУЁШМОБИЛИ

Бирлашган Араб Амирликлари фуқароси, тадқиқотчи Сақр бин Саиф қуёш қуввати билан ҳаракатланувчи электромобил яратди.

Gulf News хабарида айтилишича, параллелпипед шаклидаги бу машинанинг бўйи жуда паст бўлиб, ҳайдовчи ва йўловчи ундан ярим ётган ҳолатда фойдаланади. Максимум тезлиги соатига 50 км. Томидаги тўртта қуёш батареяси энергия манбаи ҳисобланади. Улар ёрдамида электродвигателни озиклантирувчи икки аккумулятор қувват олади. Бу машинанинг ҳатто тунда ҳам ҳаракатланишини таъминлайди. Булутли ҳаво эса БААда жуда кам кузатилади.

Қуёшмобилни ишлаб чиқишга тўрт ой, конструкцияси учун эса уч ой сарфланди. Аммо машинанинг бошқа серияларини тайёрлаш ва сотувга чиқариш режалаштирилгани йўқ.

ЙЎҚОЛГАН
ҚИЗЛАР
ТОПИЛДИ

Россиянинг Иркутск вилоятида бир ҳафта олдин йўқолган тўрт ўқувчи топилди. Вилоятдаги барча милиция ходимлари томонидан қидириляётган бу қизлар бир ҳафта мобайнида шаҳар атрофидаги дала ҳовлилардан бирида яшашган. Улар оиласидагилар билан келишолмай қолган дугоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида уйларида қочиб кетишган экан.

ЯНГИ ФИЛМЛАР
ТАҚДИМОТИ

Келаётган май ойида учта филмнинг жаҳон кинотеатрларида рекорд суммани кўлга киритиши кутуляпти. Демак, 3 майда "Ургимчак-одам" филмининг учинчи қисми: "Душман қайтмоқда" экран юзини кўрса, 24 майда "Кариб денгизи қароқчилари: Дунёнинг чеккасида" намойиш этилади. Ҳар икки йирик лойиҳа ўрта-



сида, яъни 17 май кунини томошабинлар "Шрек-3" анимация филмидан баҳраманд бўлишади.

Шубҳасиз, томошабинлар ушбу филмларни тоқатсизлик билан кутишмоқда.

Dream Works Animation компанияси ижрочи директори, "Шрек" трилогиясини ишлаб чиқаришда қатнашган Жеффри Катценберг биринчилардан бўлиб матбуотда чиқиш қилди. Жаноб Катценберг касса йиғимида айнан ўзларининг одамхўр ва унинг дўсти — эшак ҳақидаги мультфилми етакчи бўлишини ишонч билан таъкидлади. "Барча "Шрек"-ни, "Қароқчилар"ни, "Ургимчак-одам"ни кўришга ҳаракат қилмоқда, — деди у. — Лекин улар ичида биттасининг кенг аудиторияни жалб қиладиган ютуқли томони бор".

Унинг фикрича, "Шрек" PG рейтингга (PG — Parental Guidance Suggested — ота-оналар томонидан илқ кутиб олинган филмларга бериладиган рейтинг)да етакчи оилавий филмлардан ҳисобланади. "Қароқчилар" ва "Ургимчак одам" эса 13 ёшгача бўлган болаларга тавсия қилинмади.

FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

Иккинчи жаҳон уруши йиллари. Алижон Қўқон шаҳридаги 15-мактабнинг 5-синфида ўқирди. Қаҳатчилик, муҳтожлик уларнинг оиласини ҳам ҳолдан тойдирган эди. Кечагидай ёдида. Қўқон шаҳар алоқа корхонаси ёнида анча иккиланиб турди ва ниҳоят ичкари кирди.

Инсонлар меҳридан
очилар ғунча

— Ассалому алайкум, — деди тўрда ўтирган кишига (кейин билса бошлиқ А.Мохначёв экан).

У ўсириг йигитчанинг саломига алик олгач, «Хўш, гапира қол, қулгим сенда», дегандек қаради.

— Мени ишга олинг.
— Неча ёшдасан?
— Ўн тўртда.
— Бир йилдан кейин кел.
— Йўқ. Ишга олмасангиз, урушга қочиб кетаман!

Кутганидай бу гапи бошлиққа қаттиқ таъсир қилди. Андрей Игнатович ҳайрат тўла қўзларини ундан узмай деди:

— Майли, ишлай қол. Аммо бизнинг соҳамиз шундай соҳаки, қўл учида ишлайдиганларни ёқтирмайди. Астойдил ишламасанг тез кунда бошқа жойдан иш қидиришинга тўғри келади.

— Жон-жон деб ишлайман, мана кўрасиз, ҳаммадан яхши ишлайман!
— Балли, азамат, онангнинг ёнига кириб укаларингни боқмоқчисан шекилли-а?! — Бу овозда энди биланар-биланмас эркалаш оҳанги сезиларди. — Бошида монёрга шогирд бўлиб ишлайсан, кейин кўраимиз...

1944 йилнинг 8 март кунини у ишли бўлди. Бу ҳаётида энг бахтиёр кун сифатида хотирасида муҳрлиб қолди. Онанинг «Вой, менинг суянч тоғим», деб суянгилари кечагидай ёдида. Уша кун у ўзини илк марта асл инсон, марду майдон йигитдек ҳис этди. Ёз ойларида пойфазал йўқлигидан ишга ялангоёқ борарди, ле-

кин ишлаётганидан руҳи тегтик эди.

Устози — монёр Шарифжон ака Ҳалилов ҳам бошлиқи каби кенгфёъл, софдил одам экан. Билганларини эринмай ўргатди. Бир йилга қолмай корхонадаги барча иш жараёнларини бинойидай ўрганиб олди. Радиоузелда назоратчи ҳам бўлиб ишлади. Кечки мактабни тугаллагач, Тошкент алоқа политехникумида сирдан ўқиди. Шундан буён электр энергияси таъминоти бўлимида катта муҳандис вазифасида ишлаб келмоқда. Телекоммуникация соҳасида ўтган йиллар мобайнида неча маротаба монтаж ишлари олиб борилган бўлса, барчасида фаол қатнашди.

Ҳа, алоқачилар отахони Алижон Абдуганиев 63 йилдан буён сафда. Ажойиб шогирдлар етиштирди. Гиёсидин Қобилов, Ҳайитқул Қаримқулов, Улуғбек Мамажонов, Шамсиддин Нурматов, Азимжон Жўрабоев... Улар устозларидан нафақат касб сирларини, балки сабру қаноат, ишга садоқат, меҳроқибат фазилатларини ҳам олганлар. Бинобарин, шундай сифатлари бўлмаса, кишининг бир жойда ярим асрдан зиёд ишлаши амри маҳол.

Отахон техникага қаттиқ меҳр қўйган. Телекоммуникация соҳасининг жадал ривожланаётганидан бирам севинадикки, янги техника ва технологияларнинг афзалликларини мароқ билан санаб чарчамайди.

ҲИКМАТ

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойилмақом қилиб бажаришидадир.
Абу Райҳон БЕРУНИЙ

— Платани олиб ташлаб, бошқа плата қўйсангиз бас. Ишлаб кетади. Эҳтиёт қисм қўйиб ўтирмайсиз. Вақт кетмайди, асаб бузилмайди. Қандай соз-а! Ҳозирги аккумуляторлар мўъжазгина, ҳиди ҳам йўқ. Кичкина дизелли жиҳозларни айтинг! Қуриб кўз қувонади. Ишлайдиган замонлар энди келди...

Фидойи инсон Алижон Абдуганиевни «Фаргона Телеком» филиали раҳбарлари, «Моҳир алоқачи» унвони соҳиблари — Иномжон Умаров, Эркабой Ражабов, Гулчеҳра Норқўзиевалар ҳам устоз деб ардоқлайдилар.

Алижон ота рафикаси Хосиятой ая билан тўрт ўғил ва бир қизни солиҳ инсонлар қилиб тарбиялаб қаторга қўйишган.

— Қизимни соҳамга тортидим, — дейди у. — Ўғиллар турли касбларда ризқ-насибларини топиб юришибди.

Отахон билан хайрлашиб, атрофи қалингана девор билан ўралган тарихий бино — Қўқон телекоммуникациялар боғламаси дарвозасидан чиқар эканман, феврал ойининг ўрталари бўлишига қарамай бир туп атиргул ғунчалари очилмоққа чоғланганини кўриб ҳайратда қолдим. Демак, бу илиқ-иссиқ кўрғонда Алижон отага ўхшаган ҳаётга ва одамларга қайноқ меҳрли инсонлар жуда-жуда кўп экан.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
«Хабар»нинг Фаргона вилоятидаги муҳбири

КОМПЮТЕР
САВОДХОНЛИГИ

ANONS

АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАР!

"Эффект-молия" ўқув маркази билан ҳамкорликда "Компьютер саводхонлиги" рўқни остида бериляётган дарслар газетамизнинг келгуси сонидан бошлаб фойдаланиш учун қулай шаклда чоп этилади. Уйлаймизки, китобча тарзидаги бу қўлланма компютерда ишлашни ўрганишингизда сизга жуда қўл келади.

Компьютер саводхонлигини янада бойитишни истасангиз, газетамизнинг навбатдаги сонларини албатта ўқинг.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

"Менинг келажақдаги орзуим таржимон бўлиш. Ушбу орзуимни амалга оширишда менга ахборот-коммуникация технологиялари жуда катта ёрдам беради. Мен бўш вақтаримда инглиз тили билан шугулланишдан ташқари компьютер совдони-гимни оширишга, Интернет орқали қизиқарли маълумотлар билан танишиб боришга ҳаракат қиламан. Чунки, ҳозирги замон талабларидан бири – дунё янгиликлари билан мунтазам танишиб, дунёқарашни кенгайтириш ва кўпроқ маълумотларга эга бўлишдир. Буни эса АКТсиз амалга оширишни тасаввур қилиш қийин.

Ёшлигимда телевидение орқали тенгдошларимнинг компьютердан фойдаланишларини кўриб ҳавас қилардим. Мана, давлатимизнинг биз ёшларга бўлган эътибори туфайли бугунги кунда компьютердан фойдаланиш имконига мен ҳам эга бўлдим. Мен таълим олаётган мактаб-интернат 8 йилдан бери Интернет хизматидан фойдаланиб келмоқда. 2006-2007 ўқув йили «Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда педагог кадрлар салоҳиятини ошириш ўқув йили» деб эълон қилинди. Мактабимизда ўқитувчилар дарсларда компьютер ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланиб келишмоқда. Бу бизларнинг фанга бўлган қизиқишларимизни янада оширмоқда.

Оиламиз унча катта эмас. Онам ҳамшира, дадам ҳайдовчи, икки укам эса ўқувчи. Онам туман марказий шифохонасида ишлаш жараёнида бевосита компьютер хизматидан фойдаланади. Укаларим эса компьютер деса жонини беришга тайёр. «Опажон бизга ҳам ўргатинг», деб холижонимга қўйишмайди. Шундай қилиб, компьютер оиламизнинг доимий ҳамкори, дўсти бўлиб қолган".

Бу Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги Жомашўй шаҳарчасида яшовчи Сабоҳат Абдукаримованинг Хотин-қизлар Интернет фестивалига йўллаган "Мен, АКТ ва оилам" мавзусидаги ишоси.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг кундалик ҳаётида АКТ ва Интернетнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Улар ушбу технологиялар имкониятларидан таълим, касбий йўналишлар, тарбиявий, соғломлаштириш ва маънавий мақсадларида унумли фойдаланишмоқда. Қолаверса, ўзлари ҳам веб-сайтлар яратиш, тажрибалари билан ўртоқлашишмоқда. Хотин-қизларнинг ахборот-коммуникация технологиялари оламининг илғор вакили эканлиги, нафақат унинг ўзи, балки оиладаги, жамиятдаги тараққиёт омиллини ҳам белгилайди.

Ўқуришимда хотин-қизлар ҳаёти, фаолиятига оид миллий ахборот ресурслари яратишга янада яқиндан ёрдамлашиш, ахборот технологиялари соҳасида изланаётган иқтидорли қизлар ва аёллар малакасини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 29 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, БМТ Тараққиёт Дастури, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда «InfoCOM.UZ» журнали томонидан Хотин-қизлар Интернет фестивали ўтказилиб келинади.

Бу йилги танловда Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 350 нафардан ортиқ мактаб ўқувчилари, коллеж, лицей, олий ўқув юрталари талабалари, ўқитувчилар, кутубхоначилар ва уй бекалари иштирок этишди. Яқинда эксперт гуруҳи танловга юборилган сайтлар, блоглар, сурат, постер, коллаж, шеър, иншоларни атрофлича ўрганиб чиқиб, бешта номинация бўйича голибларни аниқлади.



Аёл ва Интернет

«Ахборот технологияларининг аёл ҳаётидаги ўрнига бағишланган энг яхши расм, постер, коллаж, шеър ёки ашула» номинацияси бўйича:

- «Ахборот технологияларининг аёл ҳаётидаги ўрнига бағишланган энг яхши расм, постер, коллаж» йўналишида Қарши шаҳридаги Ахборот-коммуникация технологиялари коллежи талабаси Искра Гатина «Олтин баллиқча» расми учун голиб деб топилди.

- «Ахборот технологияларининг аёл ҳаётидаги ўрнига бағишланган энг яхши шеър» йўналишида голибликни «Сирли сандиқчам» шеъри учун Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги 13-мактаб ўқувчиси Гулҳаё Турғунова кўлга киритди.

«Ўзбекистон хотин-қизлари томонидан яратилган энг яхши веб-саҳифа, веб-блог ёки Интернетда нашр қилинган мақола» номинацияси бўйича:

- «Ўзбекистон хотин-қизлари томонидан яратилган энг яхши веб-саҳифа» йўналишида Тошкент шаҳридан уй бекаси Евгения Мўминова томонидан ишлаб чиқилган <http://www.katie.uz/> сайти энг яхши деб топилди.

Ушбу йўналиш бўйича қуйидаги қатнашчилар рағбатлантирувчи совғаларни кўлга киритди:

- Фарғонадаги 2-мактаб ўқитувчиси Лариса Зубарева, Фарғона расомлари ҳақидаги веб-сайти учун (<http://ferghana.connect.uz/>);

- Қарши Санъат коллежи ўқитувчиси Светлана Исмоилова, «Ўзбек миллий чолғулари» сайти учун (<http://karshi12.connect.uz/thinkquest/>);

- Фарғонадаги 2-мактаб ўқитувчиси Анна Бус, «Меҳрибонлик уйи» сайти учун (<http://domrebenka-fg.ru/>).

- «Ўзбекистон хотин-қизлари томонидан яратилган энг яхши веб-блог» йўналишида Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги 43-мактаб-интернат ўқувчиси Машхура Абдуллаева томонидан ишлаб чиқилган веб-блог (<http://connect.uz/blog/blog.php?user=124>) энг яхши деб топилди.

«АКТдан фойдаланиш бўйича «Мен, АКТ ва оилам», «Компютер ва Интернетни ўрганиш йўли» мавзуларида ёзилган энг яхши иншо ёки ҳикоя» номинацияси бўйича совриндор ўринлар қуйидагича белгиланди:

1-ўрин: Светлана Каримова, Андижон шаҳридаги 1-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, «Я, ИКТ и моя семья» иншоси учун;

2-ўрин: Гулчирай Омонова, Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги 43-мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчиси «Интернет – умид юлдузим» иншоси учун;

3-ўрин: Акжибек Бержанова, Нукус шаҳри, 2-Академик лицейининг 1-босқич талабаси, «Я, ИКТ и моя семья» иншоси учун.

Рағбатлантирувчи совринни «Мен, АКТ ва оилам» ҳикояси учун Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги 43-мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчиси Нигора Буваматова кўлга киритди.

28 март кuni «Интернетда маълумотни тез топиш малакаси» номинацияси бўйича викторина ҳамда «Пазандачилик ёки каштачиликда Интернетдан энг яхши фойдаланиш» савдо ярмаркалари бўлиб ўтди. Унинг натижаларига кўра, қуйидаги голиблар аниқланди:

«Интернетда маълумотни тез топиш малакаси» бўйича:

1-ўрин: Насиба Мирзаамедова (Тошкент шаҳри, 285-мактаб ўқитувчиси).

2-ўрин: Нигора Бадалбоева (Андижон, талаба).

3-ўрин: Шаҳноза Болтабоева (Термиз шаҳри, 11-мактаб ўқувчиси).

«Пазандачилик ёки каштачиликда Интернетдан энг яхши фойдаланиш» бўйича:

- «Пазандачиликда Интернетдан энг яхши фойдаланиш» йўналиши бўйича Фарғонадаги 2-мактабнинг информатика ўқитувчиси Анна Бус;

- «Каштачиликда Интернетдан энг яхши фойдаланиш» йўналиши бўйича Шаҳрисабз шаҳридаги 93-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Азиза Халилова голиб деб топилди.

Ушбу номинациялардаги иштирок натижалари асосида бош соврин ҳамда «Ўзбекистон Интернет Гўзали-2007» унвони Андижон шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси Светлана Каримовага насиб этди.

«Ўзбекистон Вице-Интернет Гўзали-2007» унвони ва махсус совға Фарғона шаҳридаги 2-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Лариса Зубаревага топширилди.

Барча голиблар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирландилар.

Лутфилло ТУРСУНОВ

ТАХРИРИЯТДАН: Танлов иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида энг яхши ижодий ишларни газетамизда бериб боришни режалаштирганмиз. Ушбу саҳифада улардан икки нафарининг танловга бағишлаб ёзган шеърларини ўқийингиз мумкин.

Сирли сандиқчам

Мана, кирдим Интернетга шошилиб, Юрагимда улкан марра жўш уриб. Кидираман сайтлар аро керагин, Чаманзордан гўё гуллар терайин.

Сайтга кирдим, жавоҳирлар макони, Хазина-ю, топилмалар дўкони. Не изласам бари бунда мужассам, Наҳот бу мен, энг толиби муаззам?!

Ўлтирибман хотиржам-у мухтасар, Дақиқалар ечар бари ташвишни. Бўлдим унга аллақачон муяссар, Хожати йўқ маълумотлар титишни.

Бирдан мени сескантирди бир садо, Мунчалар ҳам ёқимилди бу нидо. Дақиқада дўстимдан олдим-ку хат, О, Интернет! Катта қувонч, катта бахт.

Ажабтовур дунёдаги бу ишлар, Зум ўтмайин ҳал бўлади юмушлар. Сенла дунё илмидан кўрдим баҳам, Раҳмат сенга, жажжи сирли сандиқчам!

Гулҳаё ТУРҒУНОВА, Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги

13-мактабнинг 10-синф ўқувчиси, «Ахборот технологияларининг аёл ҳаётидаги ўрнига бағишланган энг яхши шеър» номинацияси голиби



Замонавий келинчак

Замонавий қизчага Замонавий тўй бўлди. Унга сепу тўёна Янги компьютер бўлди.

Ўтди ҳафта, ой, кунлар, Ошхона унга қолди. Қандай овқат қилишни, Келинчак ўйлаб толди.

Э-ха, дея уланди, Интернет саҳифага. Минглаб меню шайланди, Ёрдамга - Соҳибага.

Ана миллий таомлар, Қай бирин пиширсайкин? Оиласин кўнглини, Қандай қилиб олсайкин?

Овқатларин ёнига Дисерт қўшса яхшидди. Яна торту ширинлик Пиширишга арзийди.

Ана тўкин дастурхон Кимга палов, кимга нон. Куюқ-суюқ овқатлар Ҳаммага маъқул бўлди.

Замонавий келинчак Бир уйга бека бўлди. Компютери — дўстидан Фоят миннатдор бўлди.

Нигора БУВАМАТОВА, Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги 43-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, танлов қатнашчиси

Новости в сфере ИКТ

ZiyoNET—АНОНС*



НОВИНКА ОТ HUAWEI

Компания Huawei выпустила первый в мире HSPA USB-модем E270 и 3G-телефон U120 для любителей музыки.

Модем E270 поддерживает технологию HSPA, благодаря чему скорость передачи данных от абонента достигает 2 Мбит/с, при этом скорость HSDPA в нисходящем канале составляет 7,2 Мбит/с. E270 создан для передачи всевозможных приложений и данных бизнес-пользователями, которые обращают большое внимание на непрерывность соединения.

Стильный телефон U120 позиционируется как стартовая модель, выпуск которой должен подтолкнуть развитие рынка 3G путем популяризации мультимедийной 3G-услуг и приложений. Разработанная для меломанов, модель U120 добьется популярности благодаря наличию разнообразных функций и характеристик, ранее доступных только в телефонах профессионального уровня.

WINDOWS - АНТИВИРУС + АНТИСПАМ

Компания «Доктор Веб» объявляет о выпуске нового продукта Dr.Web для Windows - Антивирус + Антиспам. Теперь высокоэффективное решение Dr.Web для Windows обеспечит комплексную защиту рабочих станций и от вирусов, и от нежелательной корреспонденции.

В состав традиционного антивирусного пакета Dr.Web для Windows включен обновленный модуль SpiDer Mail со встроенным спам-фильтром, основанным на технологии Vade Retro французской компании «Goto Software».



IBM УПРОСТИТ РАБОТУ В ИНТЕРНЕТЕ

Исследовательское подразделение корпорации IBM разрабатывает новый программный комплекс, который должен существенно упростить многократное выполнение одних и тех же операций через браузер.

Система получила название Koala, а ее демонстрация, как сообщает CNET News, состоялась в рамках конференции ETech. Программа Koala представляет собой специальный плагин для браузера Firefox. С его помощью пользователь может записать и затем в нужное время повторно воспроизвести последовательность действий, выполненных в интернете. Таким образом, Koala позволяет существенно облегчить, например, рутинный процесс заполнения форм или оплаты счетов.

Впрочем, в настоящее время проект Koala остается закрытым, и доступ к соответствующему плагину имеют лишь исследователи IBM. Дело в том, что разработчик Koala еще предстоит решить ряд вопросов, связанных с безопасностью. Ведь недобросовестные пользователи посредством Koala смогут создавать вредоносные сценарии и выкладывать их в Сеть под видом полезных шаблонов. В этом случае человек, загрузивший сценарий, может стать жертвой киберпреступников.

ТОЙОТА СОЗДАСТ СОБСТВЕННУЮ ОПЕРАЦИОННУЮ СИСТЕМУ

Японская корпорация Toyota Motor намерена разработать собственную операционную систему для автомобилей.

В настоящее время для каждой из выпускаемых моделей транспортных средств автогиганту Toyota приходится разрабатывать управляющую программную платформу фактически с нуля. Это приводит к увеличению себестоимости автомобиля и негативно отражается на сроках его выхода на рынок. Решить проблему планируется за счет разработки универсальной операционной системы, которую при незначительных дополнениях или изменениях можно было бы использовать на любой из новых моделей Toyota.

Корпорация Toyota уже сформировала специальную команду программистов и инженеров, которые займутся реализацией проекта по созданию автомобильной ОС. В работах также примут участие специалисты Denso и Aisin Seiki. Впрочем, рабочая версия специализированной операционной системы для транспортных средств вряд ли увидит свет ранее 2015 года.



Республикамизда истиқлолга эришилгандан буён соғлом авлод тарбиясига ҳукумат даражасида алоҳида эътибор билан қараяпти. Ёшларни турли зарарли таъсирлардан сақлаш, бундай таъсирлар домига тушиб қолганларнинг ҳаётини изга солиш борасида ўзига хос амалий-тарбиявий кўникма шакланган. Бу борада миллий кадрларимиздан самарали фойдаланиш, гиёҳвандликка қарши кенг жамоатчиликни жалб қилиш, тарбия-ташвиқот ишларини кучайтириш, айниқса, бошқа бирор давлатда учрамайдиган ҳақиқий демократик институт – маҳаллаларимиз,

уларнинг оқсоқоллари ва фаоллари таъсир кучидан самарали фойдаланиш орқали ижобий натижаларга эришиляптики, тажрибаларимизга ҳатто хорижий давлатлар ҳам қизиқиш билан қармоқдалар.

Тошкент ахборот технологиялари университетида ўтказилган "Соғлом авлод учун: икки авлод учрашуви" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда ҳам ёшларнинг эътибори яна бир бор гиёҳвандликнинг салбий оқибатларига қаратилди. Ушбу анжумани ТАТУнинг маънавият-тарбия ишлари бўйича проректори Бахтиёр Омонов олиб борди.

Республика Маънавият тарбия марказининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Иброҳимжон Абдуғаниев, "Нуроний" жамғармасининг Юнусобод тумани бўлими бошлиғи Саиданвар Саидқабаров, "Соғлом авлод учун" жамғармасининг шу туман бўлими бошлиғи Мухаббат Иброҳимова, туман ички ишлар бўлимининг бўлим бошлиғи, подполковник Равшан Абдуллаев, "Ўзбекистон мустақиллиги" маҳалласининг фахрий оқсоқоли Эгамназар ҳожи Қодировлар ўз иш тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда талабаларга қашандалик ва гиёҳвандликнинг оқибати, бунга қарши кураш бўйича республикамизда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар. Айниқса, ёшлар Эгамназар ҳожи отанинг ўғитларини жон қулоқлари билан тингладилар.

Анжуманда гиёҳвандликка берилган айрим ёшлар ҳаёти тўғрисида "Ўзбекино" томонидан тайёрланган филмнинг намойиш этилганлиги талабаларни бу офат ҳақида яна бир бор жиддий фикр юриштишга ундади.

Ўз мухбиримиз

Газетамизнинг 2007 йил, 16 феврал, 7-сонида Умида Қодированинг Тошкент телеминораси қурилиш тарихига бағишланган мақоласи чоп этилган эди. Қуйидаги мақолада эса телеминоранинг ишга туширилгандан кейинги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Тошкент телеминораси

Тошкент телеминораси расмий равишда ишга туширилгандан кейин уни эксплуатация қилиш бошлаб юборилди. Тошкент радиотелевизион узатиш маркази кўп қиррали: радиотелевидение узатиш маркази, экскурсия бюроси, радиореле хизмати станцияси, ресторан, лифтлар ва метеостанция, қўриқлаш хизмати ва ҳоказолар фаолият юритадиган корхонага айланди.

Телеминорани ишга тушириш даврида унинг ноёблиғи ва кўрсатиши керак бўлган хизматлар доираси кенг ва мураккаблиги эътиборга олинган ҳолда малакали кадрлар жалб этилди. Уларнинг кўпчилиги қайта ўқитилди, ҳар бир цех, ходим учун йўриқномалар тайёрланиб тасдиқланди. Аммо 1985 йилнинг бошиданоқ минора учун қиш ва баҳор синовлари бошланди. Баъзи йўналишлар ва қурилмаларда камчиликлар рўй бера бошлади. Бундай вазиятларга, албатта, минора ходимлари олдидан тайёр туришган эди. Шундан келиб чиқиб, жамоа аъзолари ва қурувчилар елкама-елка туришиб, йил охирига қадар барча камчиликларни бартараф қилдилар.

Шундан кейин кунлик вазифалардан ташқари, лойиҳадаги талаблар ва тавсияларга биноан минора марказий таянчининг тиклиги, асосларининг чўкиш даражаси, қурилманинг ер тебранишларига дош бериши, ҳар бир пайванд қилинган жойни мунтазам равишда кўздан кечириш, ўлчов асбоблари билан ўлчаш ва кўрсатмаларини таҳлил қилиб, ёзиб бориш керак эди.

Минора барча синовлардан муваффақиятли ўтгач, экскурсия ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хориж ва мамлакатимизнинг турли бурчақларидан кўплаб меҳмонлар, расмий делегациялар кела бошлади. Экскурсия, ресторан хизмати ходимларининг ҳам ишлари кўпайди.

Ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида Москва, Таллин ва Ригадаги минораларга юборилди. Улардан ҳам мутахассислар келиб кетишди.

1989 йилда "Останкино" телеминорасининг бошлиғи В.Мисюлин Тошкент телеминорасига ташриф буюриб, катта таассурот олганини таъкидлади. У "Останкино" телеминораси икки йилдан бери Бутунжаҳон буюк миноралари жамияти (ББМЖ) аъзоси эканлигини айтиб, Тошкент телеминораси ҳам аъзоларининг ҳамма талабларига жавоб беришини билдирди. Шундан кейин керакли ҳужжатларни йиғиб, Парижга қўриб чиқиш учун юбордик. 1991 йил сентябрда Эйфел минораси таклифи билан В.Мисюлин, Ўзбекистон алоқа вазирининг биринчи ўринбосари ва мен Парижга бориб, Тошкент телеминорамизнинг макетини ва минора ҳақидаги маълумотларни тақдим этдик. 1991 йилнинг 11 октябрида Тошкент телеминораси ББМЖ аъзоси этиб сайланди.

Бу воқеадан кейин Тошкент телеминораси дунё миқёсида танилди, энг улкан, нуфузли миноралар қаторидан жой олиб ўзининг архитектуравий миллийлиги, гўзаллиги, нафислиги ва пўлат қурилима сифатида ноёблигини намойён қилди. Федерация аъзоси сифатида барча улкан миноралар янгилликларидан, қилинаётган ишлардан, муаммолардан воқиф бўлиб турадиган бўлди. Минораларда содир бўлаётган янгилликлар, муаммолар ББМЖ нашрида чоп этилиб, барча аъзолар фикри ўрганилди. Ана шундай муаммолардан бири 1995 йилда Окленд (Янги Зеландия) минорасида рўй берди. Чақмоқ ўтидан катта зарар кўрган минора маъмурияти ёрдам сўраб, маслаҳат беришни илтимос қилди. Тошкент телеминорасидаги яшин қайтариш усули ҳақида мутахассисларимиз уларга ёзиб юбордилар. Тез орада бизнинг тавсиямиз Окленд минорасида қўлланилаётганлиги тўғрисида улардан келган минатдорчилик хати орқали билиб олдик.

ББМЖга аъзо бўлганимиздан кейин бизда қилинаётган ишлар бошқа улкан минораларникидан кам эмаслигини, ҳатто баъзи йўналишларда устунлигини ҳам англадик.

1988-1989 йилларда 7 қаватлик бино тепасида жойлаштирилиб, фаолият кўрсатиб келаётган "Алтай" радиотелефон станцияси телеминорага кўчирилиб, унинг фаолияти кенгайтирилди. Кейинчалик, янги ташкил қилинган қўшма корхоналар — "Камалак", "Ўздунробита" ва бошқа кўплаб ташкилотлар минорага антенналар қўйишни илтимос қилганларидан кейин, бу хизматлар учун тарифлар ва хизматлар кўрсатиш тартиблари ишлаб чиқилди. Бу хизматлар телеминорага яхши даромад келтира бошлади. Натижада, телеминора ходимлари учун Юнусободнинг 5-дахасида 40 хонадонга мўжалланган 4 қаватли уй қурилиб топширилди.

2000 йилларда ТошРТУМда эски ускуналар ўрнига янги, ихчам, замонавий телеузатгичлар ва бошқа ускуналар ўрнатилди. Натижада, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати янада яхшиланди.

Умида ҚОДИРОВА,
ТошРТУМнинг 1984-1999 йиллардаги раҳбари,
меҳнат фахрийси

Азиз ва мухтарам юртдошлар!

Акциядорлик тижорат "Алоқабанк"

баҳор рамзи бўлган "Қалдирғоч" номли янги омонат турини таклиф этади.

Омонат 3 ой муддатга қабул қилиниб, унга йиллик 22 фоиз миқдорда даромад тўланади.



Шунингдек, банкда мавжуд қуйидаги омонат турларидан фойдаланишингиз мумкин:

«МАХСУС»	Йиллик 30 фоиз	муддатсиз	Фойзалар фақат коммунал ва телефон хизматлари ҳақини тўлаш учун йўнаштирилади.
«НАВРЎЗИ ОЛАМ»	Йиллик 19 фоиз	3 ой	Фойзалар омонат муддати тугагач берилади.
«НАВНИХОЛ»	Йиллик 19 фоиз	5 ой	Фойзаларни ҳар ойда олиш мумкин.
«ҒАЗНА»	Йиллик 18 фоиз	2 ой	Фойзалар омонат муддати тугагач берилади.
«ОЧИЛ ДАСТУРХОН»	Йиллик 18 фоиз	3 ой	Фойзалар омонат муддати тугагач берилади.
«ШИФОКОР»	Йиллик 18 фоиз	6 ой	Фойзаларни ҳар ойда олиш мумкин.
«ФАЙЗЛИ»	Йиллик 17 фоиз	6 ой	Фойзаларни ҳар ойда олиш мумкин.
«ЯХШИ НИЯТ»	Йиллик 16 фоиз	6 ой	Фойзалар омонат муддати тугагач берилади.
«ҲУМО»	Йиллик 16 фоиз	12 ой	Фойзаларни ҳар ойда олиш мумкин.
«БАХТЛИ БОЛАЛИК»	Йиллик 30 фоиз	3 йилдан 12 йилгача	Омонат 1 ёшдан 15 ёшга бўлган болалар номига очилоди. Омонатга қўшимча бадаллар қўйиб бориш мумкин.

Ушбу омонат турларига маблағлар банкнинг барча бўлим жамғарма кассаларида қабул қилинади.

Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Қўшимча маълумотларни 152-78-86, 137-49-36 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган филиалидан олишингиз мумкин.

Зиё маскани

Яқинда Андижон вилоятидаги бой тарихий зиё масканларидан бири — Заҳрирдин Муҳаммад Бобур номидаги ахборот-кутубхона марказининг ташкил топганига 100 йил тўлади. Шу муносабат билан кутубхона раҳбари Ҳафизахон КАРИМОВАни сўхбатга чорладик.

— Яхши гапнинг қаноти бор, дейишади. Кишини қувонтирадиган, тўлқинлантирадиган хушхабар тез тарқалади...

— Адашмадингиз. Ҳақиқатан ҳам бу йил кутубхонамиз ташкил этилганига юз йил тўлади. XX асрнинг бошларида, аниқроғи, 1907 йили Андижон шаҳридаги илм-фанга чанқоқ кишиларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида 387 нусха китоб жамғармасига эга бўлган халқ қироатхонаси ташкил этилган.

Муассасамизда 1917 йилга қелиб жамғарма миқдори 7261 нусхага чиққан. Уша адабиётларнинг энг ноёб 3288 нусхаси ҳозир ҳам кутубхонамизда сақланади, Бундан 709 нусхаси журналлардан, олтитаси XIX асрнинг биринчи ярмидан (1850 йилгача) эски славян тилида чоп этилган адабиётлардан, 232 нусхаси XIX асрнинг иккинчи ярмидан (1899 йилгача) чоп этилган, қолганлари эса XX асрнинг 30-50 йиллари мобайнида чоп этилган адабиётлардан иборат.

1917 йилда кутубхонадан фойдаланувчилар 14 номдаги газета ва 26 номдаги журналлардан баҳраманд бўлганлар. Ҳозирда 503390 нусха китоб жамғармасига эгамиз. Китобхоналаримиз сони эса 19884тани ташкил этади.

Кутубхоначилик машаққати йирик ишлаб чиқариш корхоналариникидан кам эмас. Корхоналарда моддий неъматлар ишлаб чиқарилса, биз интеллектуал мулкни яратамиз, кўпайтирамиз, асраймиз ва авлодларимизга ҳам етказамиз, юртдошларимизни ахборот билан таъминлаймиз. Яқин-яқингача ҳам кутубхонамизнинг «илмий универсал кутубхона» деб номланиб келигани бежизга эмас.

— Бундан чиқди, кутубхонада илмий адабиётлар, тўғрироғи, қўлёзма манбалар ҳам анча экан-да?

— Албатта, масалан, 1968 йилнинг феврал ойда Андижон вилояти ижроия кўмитаси қарорига асосан, ушбу кутубхонадаги нодир ва камёб адабиётлар, чоп этилмаган қўлёзмалар фан доктори Х.Раazzoқов бошчилигидаги махсус комиссия қўригидан ўтказилганидан сўнг кутубхона фондига сотиб олишга рухсат берилган. Уша йиллари бу ишларни ўзбек мумтоз адабиёти ва Ўзбекистон тарихи билимдони, 1917-27 йиллар мобайнида кутубхона ходими, кейинчалик вилоят газетасининг биринчи бош муҳаррири бўлган Вали Маҳсудов бошқариб турган. 1984 йилда нодир ва камёб адабиётлар ўлкашунослик музейига ўтказилган. Бу адабиётларнинг сақланиб қолганлиги вилоятимиз кутубхоначилигининг беиннат хизматларидан, дея фахрланиб айта оламиз!

— Кутубхонага раҳбарлик қилган бошқа зиёлилар ҳақида ҳам тўхталармик.

— Албатта, ҳар бир раҳбарнинг кутубхонамиз тарихида ўзига хос хизматлари сингган. Биз ҳақли равишда А.Новикова, А.Барабанова, М.Жаҳонгирова ва А.Кобулов кабиларни фахр билан ёдга оламиз. Валентина Алексеевна Зорина раҳбарлик қилган 1971 йилда кутубхоначиларнинг Бутуниттифоқ жамоат қўригида кутубхонамиз голиб деб топилган. Уша йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари вилоят кутубхонаси ходимлари учун республика миқёсидаги семинар айнан вилоятимиз кутубхонасида ўтказилган. Бу — айтишгагина осон!..

— Айни пайтда кутубхона ходимлари олдида қандай муҳим вазифалар турибди?

— 2006 йилнинг 20 июнида Республикамиз Президентининг қарорига биноан кутубхонамиз Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказига айлантирилгач, масъулият ҳисси яна ҳам кучайди. Олдимизда залворли вазифалар турибди. Вилоят ҳокимлигининг эътибори ва ёрдами билан тегишли қарор чиқарилиб, кутубхоналарда автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимлари жорий этилишини тезлаштириш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Қисқаси, меҳнат жамоамиз билан замон шиддатига ҳамоханг сурьятларда қадам ташлашга ҳаракат қилаямиз.

Муҳаммад Қодир сўхбатлашди
m-kodir@mail.ru

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

... Уйга киритмаса Малика келиноийси хафа бўлади, киритса... Тезгина чиқиб кетаман, деди-ку. Бунинг устига бегона эмас. Сабиха эшикни очиши билан димоғига ароқнинг қўланса хиди урилди, ноилож уйга тақлиф қилди. Кираверишдаги хонага кўрпача солиб, дастурхон ёзди. Чой дамлаб, пиёла билан кўйди ва ўзи қизининг олдида вақт ўтди ҳамки Кабир кетай демасди. Сабиха чиқиб қараса, у мудраб ўтирди.

— Кеchирасиз, вақт аллама-

лекин жияни орқали пул, озиқ-овқат жўнатиб турарди. Сабиха шуниси ҳам шўкр қилар, бир куни эри инсофга келишини кутарди. Аммо бундай бўлмади. Солижон онасининг қистови билан уйланиб олди, икки нафар фарзандлик ҳам бўлди.

Бир куни Захро ўғлининг Сабиха билан қизига ёрдам бериб туришидан хабар топди.

— Барибир уни йўқ қилмас бўлмас экан, — уйлаб қолди у. Ва чорасини тоғди

айб йўқ, дадаси, мен покман", дея ялинишлари, шашқатор ёшдан қизариб кетган кўзлари келди.

"Нима қилиб қўйдим. Аҳмоқ бўлмасам Кабирни маҳкам ушламайманми? Бемаҳалда менинг уйимда нима қилиб юрибсан. Нимага мени оёқ ости қилдинг, демайманми?!"

Солижон уйига бир аҳволда кириб келди. Хотини болалари ёнида донг қотиб ухлаб ётарди. "Сабиха тонггача бўлсада ухламасдан кутиб ўтирарди, уйлади у. — Қачон келсам овқатим, чойим қайноқ бўларди. Нега қадрига етмадим-а.?"

Солижон эртасига Сабихани қидириб уйига борди.

TURMUSH CHORRAHALARIDA

Кечиккан тавба

ҳал бўлди, — деди у юраги ҳапқираб. — Туринг, тезроқ кета қолинг бу ердан.

— Э, кеннойи, уйингиздан ҳайдаманг. Озиб-ёзиб бир келганимда.

Шу пайт кўча эшик очилиб, Солижон кириб кетди. Кабир билан Сабихани кўрди-ю, бақира бошлади.

— Эй, ифлос, онам неча марта айтсалар ҳам ишонмаган эдим. Ҳақиқатан ҳам менга хиёнат қилиб юрар экансан-да!

Жаҳл отига минган Соли хотинининг қўлоқ-чаққаси аралаш тарсаки туширди. Сабиха гандирақлаб бурчақдаги печкага урилиб йиқилди. Шовқиндан уйғонган Ситора нима бўлаётганини тушунмай, қўнқираб йиғлаб юборди.

Тўполонда Кабир секин эшикни очиб гоийб бўлди. Соли хотинини уриб-тепилаб, қаергадир чиқиб кетди. Оғзи бурни қонга беланган Сабиха мук тушганча полда ётар, Ситора йиғлаб атрофда айланар эди. Бироздан кейин Соли қайноғасини бошлаб келди.

— Мана, ифлос синглингизни олиб кетинг. Мен уни бегона эркак билан ушлаб олдим.

Калтак зарбидан бутунлай ҳолдан тойган Сабиха ўзини ҳимоя қилишга, вазиятни тушунтиришга ҳам кучи етмасди. Хижолатдан боши эгилган ака "Яхшилаб уйлаб кўринг, кўёв", дея олди қолос.

— Нимасини уйлайман. Ўз кўзим билан кўрмасам ишонмасдим. Юқларни базага топшириб, бир халта нарса кўтариб келсам синглингиз бегона одам билан, ярим кечада чақчақлашиб ўтиришибди. Ўзи бошдан онамнинг галига кирсам бўларкан. Мана оқибати.

Бугундан Сабиханинг ихтиёри ўзида. У энди менга бегона. Шу тариха ёш оиладаги муҳаббатли ҳаёт барҳам топди. Солижон уйдан чиқиб кетди. Сабиха эса акасининг уйига боришни истамади. Боласи билан шу уйда қолди. Ижара пулини ўзи тўлаи бошлади. Орадан ойлар ўтса ҳамки, Солижон ҳатто боласидан хабар олгани ҳам келмас,

ҳам. Маҳалласидаги ҳеч қаерда ишламайдиган йигитлардан топиб, улар билан гаплашди. Пулнинг кучи кўп нарсага қодир экан. Орадан кўп ўтмай "Сабиха ёмон йўлга кириб кетибди. Эрталаб тонг гира-ширасида уйдан бегона эркакнинг чиқиб кетаётганини қўшилар кўрибди", деган гап тарқалди.

Бир куни Солижонни синфдошларидан бири тўйга айтиб кетди. У тўйхонага ҳаммадан олдин борди. Бир чеккага ўтириб олиб, роса ичди. Шу пайт кўзи Кабирга тушиб қолди. Бир шиша ароқни кўтариб олди ҳамки бориб ўтирди ва ўша — Сабиханинг олдида берилиши керак бўлган савол мастлигида, орадан неча йил ўтиб, энди эсига келди.

— Кабир ака, сиздан илтимос. Тўғриси айтинг, ака. Сиз Сабихани севармингиз. Нима учун боргандингиз унинг олдида?

— Э, ука, сенга гапнинг ўғил боласини айтмайми, айтмайми тўғриси?! Бўлиб ўтган ишлардан кейин бир неча марта олдинга бормоқчи бўлдим. Лекин юзим чидамади. Ўзим ҳам қийналиб юрибман, — деди Кабир гўлдираб.

— Гапиринг ака, гапириверинг. Қулоғим сизда.

— Э, нималар деяпсан. Мен Сабихани ўша куни биринчи марта кўрдим. Орамизда ҳеч қандай гап бўлгани йўқ.

— Йўғ-э, қани чўпчакгингизни давом эттиринг-чи?

— Солижон, тўғриси, мен опамнинг илтимоси билан бордим уйингга. Онанг опамга ялинибди. Келиним ўғлимни мендан совутиб юборган, болам уйимга келмай қўйди. Биздан хабар ҳам олмайди. Ердан беринг дебди. Уша куни тўйда роса ичган эдим. Опам кайфлигимдан фойдаланиб уйингга кириб юборди. Хотининг бечора неча марта айтди. Эрим уйда йўқ, кетинг деб. Маст одамга гап кор қиладимми, ука.

Солижоннинг кайфи бирдан тарқаб кетгандай бўлди. Кўз олдида Сабиханинг "Менда

Эшикни собиқ хотинининг ўзи очди. Очди-ю, йиллар давомида келишини зор-интизор бўлиб кутган азиз инсонни кўриб, кўзларида соғинч ва секинч аралаш оний туйғу йилт этди. Лекин негадир эшикни тез ёпиб, қўлфлай бошлади. Солижон куч билан эшикни очиб, ичкарига кирди. Кирди-ю, димоғига тўтун ва ароқнинг бадбўй хиди урилиб қўнгли беҳузур бўлди. Хонага розм солди. Столда шишалар, уларнинг бири... жигаргўшаси Ситора эди. Қиз кирган одамга бир қаради-ю, кино кўришни давом эттирди.

Солижон қизига бир зум қараб тикилиб қолди. Қўлоқлар остида унинг кўрқув аралаш чириллаб йиғлаган овози эшитилгандай бўлди. У эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Йўлда борар экан, елкасига оғир юк ортилган одамдай гандирақлаб одим ташларди. Бу юк етимлик билан вояга етган покиза қизнинг йўлдан озишига, ичкилик ва фаҳш ботқоқига ботишига сабабчи бўлган гуноҳ эди.

Шу кундан бошлаб Солижоннинг ҳаётида азобли онлар бошланди. Еган-ичгани татимас, кўзига на хотини, на болалари кўринар эди. Виждон азоби уни кундан-кун қуритиб борарди. Ота-онасини яхши дўстларга доволатишлари ҳам наф бермади. Солижон даво топишни истамасди ҳам. Хонасида шифтга тикилганича ётар, нурсиз кўзлари бемаъно боқарди атрофдагиларга.

...Боласидан хабар олган Захро турган жойида қотиб қолди. Ўғли оғзидан қўпик оққанча ўлиб қолган, полда сирка шишаси ётарди. Солижон қалбидоғи орқидан, кундан-кунга юрагига азоб бераётган олов тафтидан шу тариха қутулмоқчи лозим топган эди.

Захро бирдан сергак тортиди. У бегуноҳ ўғил ва келинини нечоғли оғир аҳволга солиб қўйганини, айтганини қилиши учун ҳатто тухма қилишдан ҳам қайтмаганини тушунди. У ётган жойида бошини у ёқдан бу ёққа бурар, тавбасини оила аъзолари олдида очиқ эътироф этишни истарди. Лекин бунинг иложи йўқ эди...

Муборак МИРКАМОЛОВА


УЛУФЛАР ХАЗИНАСИДАН

Ахлоқий фазилатлар одамнинг ниятида акс этади.



АРАСТУ

КРОССВОРД



ЭНИГА:

10. Стол ўйини. 11. А.Қаҳҳорнинг "Синчалак" асари қаҳрамони. 12. Кимёвий элемент, металл. 13. Бразилиялик футболчи. 14. Совутиш қурилмаси. 15. Акс-садо. 18. Асосий фольклор жанрларидан бири. 19. Фармонбининг келини. 20. Катта, улкан. 22. Бирор нарсадан кўрқиб. 24. Қадимда олтиндан ҳам қимматли бўлган металл. 25. Шимолий Америка ёввойи қорамоли. 26. Бўйсунмоқ, тобелик. 27. Отлар бўйича мутахассис. 28. Косиб иш қуроли. 30. Ўлчов асбоблари ясашда ишлатиладиган металл. 37. Муסיқа асбоби. 38. Чиройли ёзиш, хусниҳат. 39. Кобо ... — япон ёзувчиси. 42. Баҳрайн пойтахти. 43. Туркиядаги шаҳар. 44. Португал футболчиси.

БЎЙИГА:

1. Энг йирик йиртқич қуш. 2. "... ва Зара" (ҳинд филми). 3. Қадимги мўғулларда олий хон. 4. Тинч, сокин. 5. Франция жануби-шарқидagi шаҳар. 6. Европада дворянлик унвони. 7. Қурилиш ашёси. 8. Қадимги Хитой. 9. Қадимги ёзув тури. 16. Халқаро шартноманинг давлат ҳокимияти олий органи томонидан тасдиқланиши. 17. Россиядаги йирик шаҳар. 21. Аляскадаги тубжой аҳолиси. 23. Республикаимизда чоп этилаётган газета. 29. Кинорежиссёр — ... Эргашев. 31. Раҳбар, бошлик. 32. Ширин картошка. 33. Т.Маликнинг "Шайтанат" асари қаҳрамони. 34. Судралиб юрвчи жонивор. 35. Финиш. 36. Актриса — ... Аҳмедова. 40. Мусулмончилиқнинг 5 асосий шартидан бири. 41. "... юртинг — олтин бешигинг" (мақол).

asxabar@mail.uz

● КИТОВ JAVONINGIZGA

Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчилари томонидан соҳага оид ўқув қўлланмалар, китоблар яратиб аянганга айланган. Қуйида 2006 йилда "Фан ва технология" нашриётида чоп этилган университет педагоглари қаламига мансуб янги китоблар билан танишасиз.

"ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ АВТОМАТЛАСHTИРИШ ВА НАЗОРАТ-О'ЛЧОВ АСБОБЛАРИ".

Муаллифлар — Н.МУМИНОВ, Г.НАЗАРОВА.



Маъмур китобда ишлаб чиқаришнинг бошқарув ва автоматлаштириш (электрон ҳисоблаш-машиналарини қўллаган ҳолда) асослари, тушунчалари, мақсад ва мезонлари, ишлаб чиқариш элементлари, автоматлаштириш бошқичлари, автоматик линиялар, технологик жараёни бошқариш усуллари, ишлаб чиқариш ускуналарини бошқарувчи микропроцессорлар, комплекс автоматлаштириш механизми ва тизимлари, дастгоҳ — мослама-асбоб-детал тизимини бошқариш ва ундан фойдаланувчи воситалар, унумдорликни ошириш усуллари ишлаб чиқаришни автоматлаштиришда қўлланувчи назорат-ўлчов асбоблари, янги технологияларни жорий этиш режалари, ишлаб чиқаришда инсон ва техникавий эстетика масалалари баён этилган.

"BOSHQARUV TIZIMLARI VA KOMPUTER TECHNOLOGIYALARI".

Муаллифлар — С.ҚОСИМОВ, Н.МУМИНОВ.



Ушбу қўлланмада бошқарув фанининг шаклланиш тарихи, бошқарув тизимларининг турлари, бошқарув қонуниятлари, тамойиллари, усуллари, маълумотларни қайта ишлаш тизимлари, компьютер технологиялари ҳақидаги маълумотлар, ахборотнинг компютерда тутган ўрни, ахборот технологиясининг келажаги, мураккаб жараёнлар (кимё, металлургия, электростанция соҳалари)ни бошқарув тизимлари келтирилган.

"AVTOMATIKA ASOSLARI VA AVTOMATIK ROSTLAGICHLAR".

Муаллифлар — Н.МУМИНОВ, Г.НАЗАРОВА.



Ҳозирги кунда миллионлаб кишиларнинг диққат-эътибори автоматик бошқариш, автоматлаштириш муаммоларига қаратилгандир. Автоматлаштиришнинг умумий мақсади нимадан иборат? Автоматика инсониятга нима бериши мумкин? "Avtomatika asoslari va avtomatik rostlagichlar" қўлланмасида шу сингари саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинган.

Қўлланмалар оддий ва оммабоп тилда ёзилган бўлиб, касб-хўнар коллежи талабалари, ахборот, компьютер технологиялари ҳамда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва назорат-ўлчов асбоблари билан шугулланувчи мутахассислар учун мўлжалланган.

ШОТЛАНД ЛАТИФАЛАРИ

Шотландиядаги кичик шаҳарча қабристонининг қабртошларидан бирида шундай ёзувлар битилган: Бу ерда Жон Мак-Грегор ором топган. Тайд-стрит кўчасида раҳматлининг мотамсаро бевасига қарашли шинам ресторан жойлашган (ҳар куни соат 8дан соат 22гача ишлайди).

Шотландия шаҳарларидан бирига киришда шундай ёзувли тахта ўрнатилган: "Машинани эҳтиёткорлик билан ҳайдашингизни сўраймиз! Дўхтир ҳам, гўрков ҳам меҳнат таътилида".

Шотландиялик официантга деди: — Менга қаранг, бифштексингиз оз кўринади-ку?! — Тўғри, жаноб. Бирок, сиз уни одатдагилардан кўра кўпроқ чайнайсиз.

Бир шотландиялик кўчада ўйга чўмиб турган эди, таниши келиб қолди. — Нега ўйчансан? — Тароқнинг тиши синиб қолди. Шунга янгисини сотиб олсаммикан ёки йўқми, деб ўйлаб турибман. — Ҳожати йўқ. Биргина тиши синган бўлса... — Лекин у охиригиси эди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Фаргона Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси жамоалари 50 ёшни қаршилаётган ходимлар — Татьяна ШАПОВАЛОВА, Дилоромхон СУЛТОНОВА ҳамда Ҳакимжон МУРОДОВларни табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилайди.

"Сирдарё Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Мунаввар ҚУЛЯНОВни таваллуд куни билан самимий табриклайди. Унга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларида омад ва зафарлар тилаб қолади.

Қашқадарё радиотелевизон узатиш маркази маъмурияти ва касабга уюшмаси кўмитаси Косон РТС ходими Шермурод МИРЗАЕВни 60 ёши ҳамда марказ кадрлар бўйича муҳандиси Норул ЭШИМОВАни 50 ёши билан муборакбод этади. Уларга узок умр, оилавий хотиржамлик тилайди.



FUTBOL

ФИФА ВА ОФК ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ЮРТИМИЗГА ТАШРИФИ

Ўтган ҳафтада ФИФА ва ОФК делегацияси Тошкентга ташриф буюрди. Делегация аъзолари юртимиз бўйлаб футбол соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида бир неча жойларда бўлишди.

ФИФА президенти Йозеф Блаттер 2004 йилнинг сентябр ойидаги ташрифи чоғида футболни янада ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар билан танишган ва сунъий газонли майдон қуриш учун маблағ ажратишини маълум қилган эди. Мана, ордан 3 йил ўтиб, жаноб Блаттер ОФК президенти Муҳаммад Бин Хаммам ҳамроҳлигида яна юртимизга ташриф буюрди ҳамда Ўзбекистон футбол федерацияси биноси ва унинг ёнида барпо этилган сунъий қопламали майдоннинг расмий очилиш маросимиде иштирок этди.

Шундан сўнг ФИФА ва ОФК раҳбарлари Тошкентнинг Чигатой даҳасида қурилиш бошланган Ўзбекистон терма жамоалари учун тайёрлов базаси бўлиши кўтилаётган марказни кўздан кечирдилар. Ушбу маро-

симда Йозеф Блаттер ва Муҳаммад бин Хаммамлар марказ қурилишига биринчи рамзий тамал тошини қўйдилар. Мазкур марказ қурилишини ФИФАнинг "Гол-2" лойиҳаси орқали молиялаштириш кўзда тутилмоқда. Марказ 2008 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Маросимда Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири, миллий олимпия қўмитаси президенти Рустам Қурбонов ва ЎФФ президенти Мираброр Усмонов ҳам иштирок этдилар.

Меҳмонлар, шунингдек, Юнусобод туманидаги "Ўзбекистон" спорт мажмуаси билан ҳам танишдилар. Куннинг иккинчи ярмида улар иштирокчида ОАВ учун матбуот-анжумани уюштирилди.

– Уч йил аввалги ташрифим билан бу сафаргисини таққослайдиган

бўлсам, – деди Йозеф Блаттер, – Ўзбекистонда футбол соҳасида улкан ўзгаришлар юз берган. Бу нафақат қилинган ишларда, балки Футбол федерациясининг ўз иш услубида ҳам кўриниб турибди. Ўзбек футболчи ўз олдида нафақат юксак мақсадларни қўймоқда, балки уларни ишончли тарзда ҳал қилмоқда.

– "Гол" лойиҳаларини оладиган бўлсам, – қўшимча қилди Муҳаммад бин Хаммам (у бир вақтнинг ўзида "Гол" лойиҳаларининг раҳбари ҳам ҳисобланади), – Ўзбекистондаги мазкур икки лойиҳа — бу илк дебочалардир. Ушбу лойиҳаларнинг эса чегараси йўқ. Футбол бор экан, лойиҳалар давом этаверади. Сунъий қопламали майдон, терма жамоаларни тайёрлаш марказларидан ташқари яна янги иншоотлар қурилиши ҳам давом этаверади.



ЙОЗЕФ БЛАТТЕРНИНГ ВАКОЛАТИ УЗАЙТИРИЛАДИ



ФИФА президенти Йозеф Блаттернинг ваколати шу йилнинг март ойида ниҳоясига етди.

ФИФА қондаларига кўра, 31 мартгача номзодлар ўз аризалари билан мурожаат қилишлари ва ФИФАнинг конгрессиде президентликка сайлов

бўлиши лозим эди. Аммо бу муддатгача ҳеч кимдан номзодликка ариза келиб тушмаган.

1998 йилдан буён ФИФАни бошқариб келатган жаноб Блаттердан бошқа номзод бўлмаганлиги сабабли навбатдаги конгрессда тўғридан-тўғри унинг президентлик ваколати яна 4 йилга, яъни 2011 йилгача узайтирилади.

Эслатиб ўтамик, яқинда Осиё футбол конфедерациясининг амалдаги президенти Муҳаммад бин Хаммамнинг ваколати ҳам президентликка бошқа даъвогарларнинг йўқлиги сабабли 2011 йилгача узайтирилган эди.

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК КЎЧМА КУБОГИ

Шу кунларда Чирчиқ Олимпия захиралари коллежининг ёпиқ манежида "Ўзбектелеком" АК кўчма кубоги учун мини футбол бўйича турнир ўтказилмоқда.

Мусобақада "Ўзбектелеком" АК бошқарув аппарати ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари, "ТШТ", "ШАК", "ТошТТС", "Ўзбектелеком Мобайл", "ЎЗНЕТ" филиаллари ҳамда "Ўзбектелеком Интернетшл МЧЖ" жамоалари иштирок этишмоқда.

"Ўзбектелеком" АК кўчма кубоги баҳслари илк маротаба ўтган йили Тошкент шаҳрида ўтказилиб, унда "Ўзбектелеком" АКнинг Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида жойлашган филиаллари жамоалари иштирок этган эди. Тошкент алоқа касб-хунар коллежининг спорт залида ўтган баҳсларда "ТШТ" жамоаси кўчма кубок совриндори бўлган эди.

2006 йилги мусобақа компания ходимлари ўртасида катта қизиқиш уйғотгани сабабли бу йилдан бошлаб турнирни республика миқёсида ўтказишга қарор қилинди. 8 апрел куни ўз голиб ва совриндорларини аниқлайдиган ушбу мусобақа ҳақида газетамизнинг навбатдаги сониде батафсил маълумот берамик.

"ЛИВЕРПУЛ"НИНГ ШАШТИ БАЛАНД



Европаниннг энг кучли жамоалари Чемпионлар лигаси кубоги учун курашни давом эттиришмоқда. Мазкур ҳафтада чорак финалнинг биринчи учрашувлари бўлиб ўтди. Тўрт жуфтлик орасидан "Ливерпул" деярли ярим финал йўлланмасини ҳал қилди. Амалдаги чемпион – "Барселона"ни нимчорак финалда мусобақадан чиқариб юборган инглизлар бу сафар «Эйнховен»ни аяб ўтиришмади. "Ливерпул" бу кетишда икки йил олдинги натижасини қўлга киритиши ҳам ҳеч гап эмас.

ПСВ "Эйнховен" (Голландия) – "Ливерпул" (Англия) – 0:3.

Голлар: Жерард, 27; Риисе, 49; Крауч, 63.

"Милан" (Италия) – "Бавария" (Германия) – 2:2.

Голлар: Пирло, 40; Кака, 84 (пен.) – Ван Бюйтен, 78, 90+3.

"Челси" (Англия) – "Валенсия" (Испания) – 1:1.

Голлар: Силва, 30 – Дрогба, 53.

"Рома" (Италия) – МЮ (Англия) – 2:1.

Голлар: Таддеи, 43; Вучинич, 69 – Руни, 62.

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

«Қашқадарё Телеком» филиали жамоаси «ЎИ-Қарши» филиали директори Жуманазар Бозоровга падари бузруквори

Самандар отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси «ЎИ-Қарши» филиали директори Жуманазар Бозоровга падари бузруквори

Самандар отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Xabar" газетаси жамоаси газетаниннг Сирдарё вилоятидаги муҳбири Уммат Дониёровга қизи

ФЕРУЗАНИНг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатта олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ①
Реклама матнларининг тўғричилиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

353-С сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алади: 9584 нуска.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Аслиддин БҲҲРИЕВ.
Матн терувчи: Диляфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

● BUYUK BOBOKALONIMIZ AMIR TEMUR TAVALLUDIGA 9-APREL KUNI 671 YIL TO'LADI

АМИР ТЕМУР

даҳосига эҳтиром

Биз буюк халқ авлодларимиз. Тарихимиз шавкатли номларга бой. Аммо узоқ йиллар мобайнида буюк аждодларимизни қадрлаш, уларнинг ибратли ҳаёт тарзини ўрганишдан маҳрум этилдик. Бироқ халқимиз ўз ватандошларини унутмади, уларнинг ёдини ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлаб келди. Истиқлол туфайли тарихий ҳақиқат қарор топди – миллат қайғуси, халқ дардида яшаб ўтган бобокалонларимиз Ватанига қайтди.

Мустақиллик йилларида Амир Темур номи билан боғлиқ бунёдкорлик ишлари кенг миқёсда амалга оширилди. Бугунги кунда бобокалонимиз ҳаёти ва фаолиятига дахлдор гўшалар обод этилиб, зиёрат-гоҳга айлантирилгани, юртимизда кўплаб маънавий манзиллари қад ростлагани, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкаллари тиклангани шундан далолатдир.

Президентимиз Ислам КАРИМОВнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳайкаллариининг очилишига бағишланган тантаналарда сўзлаган нутқларидан:

ТОШКЕНТ
1993 йил, 31 август

“Кўҳна тарих саҳифалари буюк бобокалонимизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижоатларига гувоҳлик беради.

Инсоф-иймон туйғуси, дийнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади.

Бугун бунёд этилган улуғ бобокалонимиз ҳайкалида теран рамз бор – гўёки жаҳонгир тулпорининг жиловини тортиб турибди, қиличсиз қўлини олдинга чўзиб, жаҳон халқларига омонлик соғинмоқда, “Куч – адолатдадир!” демоқда.

Донишманд аждодимизнинг мазкур сўзларини мана шу мухташам ёдгорлик пойига зарҳал харфлар билан битар эканмиз, замонлар тажрибасидан ўтган бу бебаҳо ҳикматнинг қалбларимизда доимо акс-садо бериб туришини орзу қиламиз”.



САМАРҚАНД
1996 йил, 18 октябр

“Соҳибқирон бобомиз даҳосининг шарофати билан шаҳри азим Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди.


Бу олий унвон шунчаки айtilган чиройли гап эмас. Темурийлар салтанатининг маркази, темурийлар қудратининг тимсоли бўлмиш бу табаррук маскан оламнинг етти иклимида маълуму машҳур бўлди...

Бугун Амир Темур тўйини нишонлашимизнинг, унга ҳайкаллар тиклашимизнинг, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини таъмирлаб обод этишимизнинг, у зоти шарифга бўлган эҳтиром ва муҳаббатимизнинг сабаби битта:

Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чўқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир”.



ШАҲРИСАБЗ
1996 йил, 19 октябр

“Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон – табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни бекиёсдир. Бобомизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан халос қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу мўътабар юртдан бошланган...”

Бу кўҳна дунёда жаҳонгирлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. У муборак зот айтганларки: “Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта қўчат эктирдим”.

Яна бир ўринда эса шундай деганлар: “Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четиға бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом урнатдим”.

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Ғарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурнинг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир”.



Соҳибқирон ўғитлари

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳибни, азми қатъий, тadbиркор ва ҳушёр бир киши мингминглаб тadbирсиз, қайдад кишилардан яхшидир.

Гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тadbир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир.

Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўлларини мулжаллаб қўй.

Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, яқинига ҳам йўламасинлар. Хотирдан чиқмасинки, Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

Кенгаш икки турли бўлур: бири – тил учиде айtilгани, иккинчиси – юракдан чиққани. Тил учиде айtilганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айtilган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.

Дўсту душман билан муросяо мадора қилдим.

Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳқорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларин билан одамлар кўнглидан жой олдим.

Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳао кўрқув бўлса, унут бўларди.

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

Уламо билан сўхбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг химматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.

Раяят аҳволдан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.

Ҳокимлар, сипоҳ ва раяятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.



Андижонда биллинг тизими...

...уй телефонини лимитдан ортиқча вақт ва қўшимча сўзлашув учун ўчириб қўйишибди. Яхшиям, тўлов карточкаси бор эди, телефоним орқали карточкани фаоллаштириб, қарзларни тўлаб қўйдим. «Сизга хизмат қилганимиздан мамнунмиз!» ИБОРАСINI ЭШИТИБ, КўНГЛИМ ЖОЙИГА ТУШДИ.